## Техник қўриклаш маркази (ТҚМ) орқали Объектни қўриклаш
## ШАРТНОМАСИ №229

2022 йил "25" 01 Мархамат шахри

Андижон вилоят Қўриклаш бошкармаси бошлиги М.Б.Уринбоев, Низом асосида фаолият юритувчи (кейинчалик - **"Қўриклаш"** деб аталувчи) бир томондан, Мархамат туман 2-сонли касб-хунар мактаби директори У Кимсанбоев (кейинчалик - **"Хўжалик идораси"** деб аталувчи), Низом асосида фаолият юритувчи иккинчи томондан, қўриклашни ташкил этиш ва ижросини таъминлаш максадида, **Техник қўриклаш маркази (ТҚМ)** орқали Объектни қўриклаш Шартномасини (матн бўйича кейинги ўринда - **"Шартнома"** деб аталади) қуйидагича туздилар

### 1.Умумий қоидалар.

1.1. "Хўжалик идораси" Мархамат шахар Алитепа МФЙ Мустакиллик жойлашган Мархамат туман 2-сонли касб-хунар мактаби сокчи хонасига ташвиш тугмачаси орқали соат 09.00 дан 15.00 гача битта шартли бирлик билан якшанба кунидан ташкари хамда архив хонаси ва хисобчилар хонасини 1 тадан калит,1тадан шартли бирлик билан дам олиш ва байрам кунларисиз соат 22.00 дан 06.00 гача ва қўриклашга топширади, қўриклаш эса ўз навбатида Техник қўриклаш маркази томонидан қўриклашга кабул килади

1.2. Объектнинг техник мустахкамлиги тўгрисидаги, қўриклаш ва енгиндан огохлантирувчи техник (ҚЕОС) воситалари билан жихозланган жойлар, код билан махкамланадиган мосламалар ва бошка маълумотлар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми хисобланган илова ва текширув далолатномасида кўрсатилади

1.3. Объектнинг қўриклаш техник воситалари билан таъминлаш **"Хўжалик идораси"** томонидан амалга оширилади. Бу воситаларнинг техник хизмати ва жорий таъмирланиши шартнома асосида **"Қўриклаш"** инженер-техник ходимларига алохида тўлов орқали амалга оширилади. Объектни қўриклаш ва енгиндан огохлантирувчи мосламалар схемаси Шартномага илова килинади

1.4. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган умумдавлат хужжатлари ва норматив актларига асосланган холда объектнинг техник мустахкамлигини кучайтириш, қўриклаш воситаларига тадбиқ этиш ва жорий этилган қўриклаш тартибларига амал килиш юзасидан кўрсатмалар **"Хўжалик идораси"** учун **мажбурий** хисобланади

### 2. Томонларнинг мажбуриятлари.

***2.1. Хўжалик идораси мажбурияти ва хуқуқлари:***

2.1.1. Объектни ТҚМга улаш учун Қўриклашга соз холдаги, АТСга уланган телефон тармогини ажратади.

2.1.2. Қўриклашга топшириладиган Объектни техник мустахкамлигини таъминлаш максадида текширув далолатномаси юзасидан дераза, форточка, эшик, кулф ва бошкаларни меъёрий талаблар асосида жихозлайди ва мустахкамлайди

2.1.3. Қўриклаш вакилларига, ушбу шартнома асосида олган мажбуриятларини бажариш учун эркин кириб чикишига шароит яратади

2.1.4. Объектни Қўриклашга топшириш ва кабул килиш, калитларни саклаш ва Объектни очиб кўздан кечириш учун жавобгар шахсни тайинлайди ва жавобгар шахс ўз вактида объектда аникланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва бу хакида қўриклаш бўлими ТКМ ахборот бериши шарт

2.1.5. Объектнинг калити йўқолиши окибатида уни алмаштирилганда, шунингдек, унинг бутлиги бузилганлиги аникланганда зудлик билан Қўриклашга хабар беради

2.1.6. Бегона шахсларга қўриклаш ва сигнализация тизимини хамда пульт ракамларини ўзлаштирмаслиги учун уларни ошкор килмайди

2.1.7. Қўриклаш сигнализация воситаларидан фойдаланиш қоидаларига катъий риоя килади. Объектни блокировка схемасига ўзгартиришлар киритмайди, ўз ихтиёри билан сигнализация воситаларини алмаштирмайди. Қўриклашни юзага келган камчиликлар юзасидан ўз вактида хабардор килади

2.1.8. Объектни қўриклаш остига топширишдан олдин эшик, дераза, туйнукларни махкамланганлигига ишонч хосил қилади. Уларни доимий равишда соз холда сакланишини таъминлайди.

2.1.9. ҚЕОС воситаларини ишчи холатини текшириш учун кунига камида бир маротаба "Ташвиш" хабари бериш йўли билан Қўриклашни телефон орқали хабардор килган холда текширув ўтказади

2.1.10. Хисоб-сметаси асосида ўрнатилган тарифда Қўриклаш хизмати учун хар ойлик мажбурий тўловни амалга ошириб боради

2.1.11. Қўриклашнинг тўлов хисоби ва далолатномаси асосида қуйидаги тўловларни амалга оширади:
- Объектда ўрнатилган Объект хисобида бўлмаган ва унинг хатоси билан ишдан чиккан техник воситаларни таъмирлаш учун,
- Объектга ўрнатилган буюртмачига тегишли бўлган техник воситаларни таъмирлаш учун,
- Сигнализация воситаларининг 5 (беш) йиллик фойдаланиш муддати ўтиб, мукаммал таъмирлаш учун;
- ТҚМни модернизациялаштирилган қўриклаш системасига ўтказилиши муносабати билан Объектни замонавий техника воситалари билан алмаштириш учун,
- **"Хўжалик идораси"** айби билан берилган сохта ташвиш хабар учун (объектни (ТКМ диспечерини) хабардор этмаган холда қўриклашдан чикариш, телефон дастагини нотўгри холатда қўйиш, мазкур шартноманинг 2.1.8 моддаси талаблари бажарилмаганда) қўриклаш нарядининг келишига, хар бир келиши 10 % миқдорида (тўлов миқдори ТҚМ дан буюртмага объектга масофа учун фойдаланилган транспор ва ёкилги хисобидан аникланади) миқдорида.

2.1.12. Сигнализация воситалари учун уланган электр ва телефон тармокларини ўз вактида таъмирлаш чораларини кўради

2.1.13. Объектни мазкур Шартномада кўрсатилган тартибда белгиланган давомийликда ва муддатга марказлаштирилган кузатувга топширади.

2.1.14. Объектнинг техник мустахкамлигини ва ҚЕОС воситалари билан жихозланишини таъминлайди ва саклайди

Сканировано с CamScanner

2.1.15. Қўриқланаётган Объект ва унинг периметрини тунги пайтларда керакли ёритиш мосламалари билан жиҳозлаб, ТҚМ нарядларига мумкин даражада кўринишни таъминлайди.

2.1.16. Қўриқланадиган Объектни тоифасига қараб, девори, томи ҳамда деразалари ва эшикларини кўрсатилган меъёр даражасида бўлишини таъминлайди.

2.1.17. Объектда мавжуд бўлган мулкни суғурталанишини таъминлайди.

2.1.18. Қўриқланадиган Объектда ўзининг кучи ҳисобидан ёнғин хавфсизлиги тадбирларини ташкил этади ва таъминлайди.

2.1.19. Объект витриналарида қимматбаҳо товар-моддий маҳсулот намуналаридан қўйиш зарур бўлганида, улар ўрнига макетларини қўяди. Витриналарга қўйилган қимматбаҳо товар-моддий бойликларни уларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда рўйхатга олиб, моддий жиҳатдан масъул киши томонидан имзоланади ва **"Хўжалик идораси"** муҳри билан тасдиқланади. Мазкур рўйхатнинг бир нусхаси витринада, иккинчи нусхаси **"Хўжалик идораси"**нинг моддий жиҳатдан масъул шахсида, учинчи нусхаси Қўриқлашга берилади.

2.1.20. Сақлаш даврида пул маблағлари, қимматбаҳо тошлар, олтин, платинадан ишланган маҳсулотлар, тилло, платина, кумуш корпусли соатлар пол ва деворларга маҳкамланган сейфларда сақланади. Пул маблағлари, қимматбаҳо металл ва тошлардан бўлган маҳсулотларни сақлашда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар қўмитасининг Давлат палатаси томонидан ва юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиш Қоидалари билан белгиланган талаблар лимитидан юқори бўлса, сақлашга йўл қўймайди.

2.1.21. Қўриқланадиган Объектга ўрнатилган ҚЁОС воситаларига Қўриқлаш бўлими ходимларини эркин ҳаракатини таъминлайди.

2.1.22. Қўриқлаш билан биргаликда бир (квартал) чоракда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда Объектни техник мустаҳкамлиги, қўриқлаш техник воситалари, шу жумладан ҚЁОС воситалари билан жиҳозланганлигини текшириб, шу ҳақда масъул вакиллар имзоси қўйилган, Хўжалик томонидан мавжуд камчиликларни бартараф қилиб, Қўриқлашга ахборот бериш учун муддати кўрсатилиб, далолатнома тузилади. Мазкур далолатнома Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади, унда кўрсатилган вазифалар бажарилади.

2.1.23. Текширув далолатномаси юзасидан Объектнинг техник мустаҳкамлигини ошириш чора-тадбирларини бажаради, Объектни қўриқланишини такомиллаштириш, ички ва кириб-чиқиш тартибини яхшилаш, моддий товар бойликларни сақланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратади ва Қўриқлашга ўзининг вазифаларини ижро этиши учун кўмаклашади.

2.1.24. Объект ҳудудида таъмирлаш ишлари ёки бошқа тадбирлар ўтказилиши, қўриқланадиган жойлар ва майдонларни ижарага топширилганлиги, эски қўриқланадиган жойларни ўзгартириш ёки янгисини вужудга келиши, мазкур Объектни бошқа шахсларга топширилиши муносабати билан пост жойлашувлари ўзгартирилиши, қўшимча постлар қўйилиши, ҚЁОС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган тақдирда, Хўжалик идораси бу ҳақда Қўриқлашга 15 кун аввал ёзма равишда билдиради.

2.1.25. Қўриқлаш томонидан ваколат берилмаган шахсларга, қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи техник воситаларини техник кўриқдан ўтказиши ва таъмирлашга рухсат бермайди.

2.1.26. Объектни ТҚМга топширишдан камида 3 (уч) соат олдин ҚЁОТ воситаларини созлигини, топширилишини назорат тариқасида текширади. Носозлик аниқланганда зудлик билан хизмат кўрсатадиган электр таъмирловчини чақиради ва бу борада Қўриқлашга хабар беради.

2.1.27. Объект, ҚЁОС воситалари билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хоналарни қўриқлаш постига, шунингдек ТҚМ кўриғига кунда топшириб боради, эшикларнинг қулфлари, деразаларни, форточкаларни ва қўриқлаш сигнализация воситалари ва тунги ёритиш воситаларини ҳолатини текширади, қўриқланадиган хоналарда ўчирилмаган электр мосламалар, бошқа ёнғинга олиб келувчи мосламаларни ёқилган ҳолда қолиб кетмаслигини ва бегоналар бўлишининг олдини олади. Объектни топширилиши тўғрисида ТҚМга 5 (беш) дақиқадан кейин хабар тушгандан сўнг объект қўриқлашга олинганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилинади.

2.1.28. Объектга бегона шахслар томонидан объект ёки алоҳида хоналарга кириш оқибатида унинг бутлигига таҳдид қилинганлиги ва содир этилган моддий зарар тўғрисида Қўриқлашга хабар бериб, Қўриқлаш вакиллари келгунга қадар воқеа жойини дахлсизлигини таъминлайди.

2.1.29. Қўриқлаш томонидан белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлайди ва моддий товар бойликлари ҳисобини олиб бориш учун Қўриқлаш бўлими ходими иштирокида моддий товар бойликларни қолдиғи ҳисобланади, шунингдек, Қўриқлашга барча ҳужжат ва маълумотлари тақдим этади.

***2.2. Қўриқлашнинг мажбуриятлари:***

2.2.1. ТҚМ кўриғига топшириладиган объектнинг техник мустаҳкамлиги текширилиб, унинг ҚЁОС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган жойларга қараб далолатнома тузади.

2.2.2. Объектда ҚЁОС воситаларини мажбурий жиҳозланиш жойларини белгилайди.

2.2.3. Объектга ҚЁОС воситаларини жиҳозланишини тавсия этади, Объектнинг заиф жойларини ҚЁОС воситалари билан жиҳозланиши Объект томонидан бажарилмаган тақдирда, Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловада белгилаб қўйилади.

2.2.4. Объектни техник мустаҳкамлиги далолатномасига асосан Объект ҳисобидан ҚЁОС воситалари билан жиҳозлайди ва телефон алоқаси орқали пультга уланади, пульт маълумотномаларини тақдим этади.

2.2.5. Объектдаги ҚЁОС воситаларини ҳар 5 (беш) йилда тўлиқ мукаммал таъмирлайди.

2.2.6. Объект билан келишилган ҳолда объектга қўшимча ҚЁОС воситаларини ўрнатиладиган тақдирда, томонлар ушбу Шартномага қўшимча келишув тузадилар ва Объект ушбу бажариладиган ишлар ҳақини ўрнатилган тартибда авваладан пул тўловини тўлагандан кейин амалга оширади.

2.2.7. Ўрнатилган тартибда объектни қўриқлашга олишда сигнализация воситалари ёрдамида ТҚМга уланиши ҳамда ўз вақтида қўриқлаш нарядини ташвиш хабари бўйича етиб боришини таъминлайди.

2.2.8. Объект қўриқлашда бўлган вақтда объектга рухсатсиз кирган шахсни қўлга олиш чорасини кўради.

Сканировано с CamScanner

2.2.9. Хўжалик идораси ходимларига ҚЁОС воситаларини ишлатилишини ўргатиб, бу борада йўриқномалар беради.

2.2.10. Ҳар бир тушган сохта ташвиш хабари бўйича далолатнома тузилиб, Объект очилиб кўрикдан ўтказилиб, тузилган далолатноманинг бир нусхаси Хўжалик идорасига берилади.

2.2.11. Сигнализация воситаларини 5 (беш) йил ишлатилгандан кейин мукаммал таъмирланишини амалга оширади.

2.2.12. Хизмат ҳақи тарифи ўзгарган ҳолда Хўжалик идорасини хабардор қилади.

2.2.13. Мазкур Шартномани тўхтатиш ёки бир томонлама бекор қилиниши қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) Хўжалик идораси 2 (икки) ойдан ошиқ Қўриқлаш хизмати учун тўловларни тўламаганда;

б) Қўриқлаш томонидан техник сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари туфайли (телефон рақами ўзгарганда, телефон ўчирилганда, ТҚМ тугатилганда);

в) Хўжалик идорасини номи ўзгариб, Қўриқлашни бундан хабардор қилмаганда;

г) Мазкур Шартноманинг 2.1.2.,2.1.3.,2.1.5.,2.1.7.,2.1.8.,2.1.12.,2.1.16. бандлари бузилганда.

2.2.14. Телефон ўчирилганда ёки носоз бўлган ҳолда, электр манбаи ўчирилганда ТҚМ жойи ўзгарганда Объект қўриқлашга қабул қилинмайди ва бу ҳақда Хўжалик идорасини ёзма ёки телефон орқали хабардор этади.

## 3. Хизмат нархи, ҳисоб-китоб тартиби ва низоларни ҳал қилиш.

3.1. Объектни қўриқлаш бўйича хизмат кўрсатишнинг бир ойлик нархи ушбу шартнома асосида калит-соат ҳисобида тасдиқланган тариф асосида техник хизмат учун Январ ойига 1.496.391(бир миллион тўрт юз тўқсон олти минг уч юз тўқсон бир) сўм, Феврал,Март ойлари учун хам 1.496.391(бир миллион тўрт юз тўқсон олти минг уч юз тўқсон бир) сўмдании ташкил қилади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган илова-ҳисоб билан белгиланади. Қўриқлаш хизматининг нархлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан энг кам ойлик иш ҳақи ўзгарган ҳолда Қўриқлаш хизмати учун тарифлар қайта кўриб чиқилади.

3.2. “Хўжалик идораси” янги ой бошланишига 10 кунга қадар шартноманинг умумий суммасининг 100% миқдоридаги пулни “Қўриқлаш” нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. “Қўриқлаш” хизмати учун ҳисоб-китоб қилишга ўз маблағлари бўлмаган ҳолда, “Хўжалик идораси” белгиланган муддатда юқори орган (ташкилотлар) марказлашган фондидан қўшимча маблағлар ҳисобига қарздорликни қоплайди.

3.4. “Қўриқлаш” нинг қўшимча хизматлари учун ва жарималар “Қўриқлаш” томонидан ҳисоб ёки билдириш берилганда “Хўжалик идораси” томонидан 10 кун муддатда ўтказиш йўли билан тўланади.

3.5. Ушбу Шартномани бажариш мобайнида пайдо бўлган ҳар қандай низолар ва келишмовчиликлар Томонлар тарафидан музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилинади. Агар Томонлар бир битимга келиша олмасалар, у ҳолда низо белгиланган тартибда Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 4. Томонларнинг жавобгарлиги

***4.1. Хўжалик идорасининг жавобгарлиги:***

4.1.1. "Хўжалик идораси" "Қўриқлаш"хизмати учун шартнома асосидаги тўлов муддатидан ўтиб кетса, шартномада белгиланган бир ойлик хизмат нархининг 0.4% миқдорида жарима тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси лозим даражада бажарилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

4.1.2. "Хўжалик идораси" "Қўриқлаш" томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловдан асоссиз бош тортса, тўланиши лозим бўлган сумманинг 15% миқдорда жарима тўлайди.

4.1.3. Объектни қўриқлаш даврида:

мазкур Шартноманинг 2.1.2., 2.1.5., 2.1.6., 2.1.7., 2.1.8., 2.1.12., 2.1.14., 2.1.15., 2.1.16., 2.1.19., 2.1.20., 2.1.23., 2.1.24., 2.1.25., 2.1.26., 2.1.27. бандларида кўрсатилган талаблар Хўжалик идораси томонидан бажарилмаганлиги оқибатида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

***4.2. Қўриқлашнинг жавобгарлиги***

4.2.1. Шартнома шартларини талаб даражасида бажармаганлиги сабабли Хўжалик идорасига етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятини ва моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Хўжалик идораси хазинахонасида ва омборхонасида сақланадиган пул воситалари талончилик ёки босқинчилик йўли билан ўғирланган тақдирда, Хўжалик идорасига ушбу реал етказилган зарар суммаси доирасида жавобгар бўлади.

Зарарни қайтариш учун, тергов ёки суд идораларининг ўғрилик, талончилик, босқинчилик ёки бошқа қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан чиқарилган қарорлари асос бўлади.

4.2.2. Ташвиш сигнали бўлганда қўриқлаш наряди етиб келмаса, “Хўжалик идораси” га 1 ойлик хизмат нархининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.

4.2.3. Қуйидаги ҳолатларда келтирилган моддий-зарарлар учун Қўриқлаш жавобгар ҳисобланмайди:

а) Пул маблағлар хўжалик идорасининг объектда қолдиришга ҳаққи бўлмаган ҳолатда, белгилангандан ортиқ миқдорда қолдирилса, шунингдек пул маблағлари сейф ёки пол ва деворга маҳкамланган металл шкаф (қути) ларда сақланмаган бўлса, пул маблағлари, қимматбаҳо металл ва тошлардан бўлган маҳсулотларни сақлашда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар қўмитасининг Давлат палатаси томонидан ва юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиш Қоидалари билан белгиланган талаблар лимит миқдоридан юқори даражада очиқ ҳолатда сақланса ҳамда ўғирланса ёки талончилик қилинса;

б) Фуқароларнинг шахсий мулклари ўғирланса;

в) Бино ёпилиши ёки қўриқлаш учун қабул қилинишидан олдин кириб олган шахс томонидан ўғрлик, талончилик, босқинчилик содир этилса;

г) Товар-моддий бойликларнинг ўғирланиши ёки босқинчилик, талончилик қилинишида,

д) табиий офатлар оқибатида келтирилган мулкий зарарлар учун:

Сканировано с CamScanner

- Бу бошқа мулкдорники бўлиб, у қўриқланаётган хонани ижарага олиб қўриқлаш учун мустақил шартнома тузилмаган бўлса;

- Агар хўжалик идораси томонидан қўриқлаш сигнализацияси ёқилмагани сабабли бўлса, объектни қўриқлашга топширмаган ёки қўриқлаш воситаларининг носозлиги ҳақида маълум қилмаган бўлса, шунингдек бошқа техник сабабларга кўра қўриқлаш олиб борилмаган бўлса;

- Шартноманинг 2.1.20. банди талаблари бузилиб, жиҳозланган витриналардан ўғирланса ёки талончилик, босқинчилик қилинса.

е) Хўжалик идораси томонидан кўрсатилган муддатларда Объектни техник мустаҳкамлигидаги талабларни ва мазкур Шартноманинг 2.1.5., 2.1.6., 2.1.8., 2.1.16., 2.1.24., 2.1.25., бандлари бажарилмаганлиги оқибатида ўғирлик содир этилса.

**5. Форс-мажор**

5.1. Томонлар Шартнома асосидаги ўз мажбуриятларидан фавқулодда ҳолатлар, онгли равишда олдиндан кўзда тутилмаган ва олдини олиш имкони бўлмаганда қисман ёки тўлиқ бажарилмаган ҳолда озод этиладилар.

5.2. Ушбу Шартноманинг бажарилишига тўсқинлик қилувчи куч билан енгиб бўлмайдиган вазиятлар қаторига зилзила, сув тошқини, ёнғин, хукумат қарорлари ёки давлат органлари буйруқлари турли характердаги харбий харакатлар ва бошқалар киради.

**6. Якуний қоидалар**

6.1. Иловалар (план-схема, постлар дислокацияси, объектнинг қўриқлаш ва огохлантириш воситалари билан жиҳозланган схемаси, хизматлар учун тўлов смета-ҳисоби, техник ҳолати кўриги далолатномаси) ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳимобланади.

6.2. Мазкур Шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонлар томонидан ёзма равишда ва вакил томонидан имзоланган бўлсагина, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Мазкур Шартномани бекор қилиш, ўзгартириш ёки матнига қўшимча киритишга манфаатдор томон, 2 (икки) ой олдин ёзма равишда иккинчи томонни хабардор қилади.

6.4. Томонлар Шартнома бўйича ўз хуқуқ ва мажбуриятларини иккинчи томоннинг ёзма розилигисиз бошқа шахсга беришга хаққи йўқ.

6.5. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлар олувчилари бўйича белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31-декабрь куни охиригача.

6.6. Агар томонлардан бири Шартномада кўрсатилган 2.1. ва 2.2. бўлимлари бўйича мажбуриятларини бажармаса ёки бузса, белгиланган мажбурият муддати тугагунга қадар 1 ой (бир) олдин келтирилган зарарни қоплаш хуқуқи билан иккинчи томон мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиш хуқуқига эга (тоифаланган ва банк объектларидан ташқари).

6.7. Агар қўриқлаш турига, тўлов шартларига, ўзгартиришлар киритилса, икки томонлама розилик баённомаси мазкур Шартномага киритилади.

6.8. Шартнома тўхтатилса, "Хўжалик идораси" 3 кун муддат ичида "Қўриқлаш" нинг ҳисоб рақамига қўриқлаш тугатилганлиги сабабли зарурий чиқимлар тўловини тўлашга мажбур.

**7.Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва банк реквизитлари:**

| **«ҚЎРИҚЛАШ»** | **«ХЎЖАЛИК ИДОРАСИ»** |
|---|---|
| **Андижон вилояти Қўриқлаш бошқармаси** | **Мархамат туман 2-сонли касб-хунар мактаби** |
| **Юридик манзили:** Андижон шаҳар М.Тикланиш кўчаси 27-уй | **Юридик манзили:** Мархамат шахар Алитепа МФЙ Мустақиллик кўчаси |
| **Банк реквизитлари:** 21596000900278042001 | **Банк реквизитлари:** 100010860032277092901079002 |
| **МФО:** 00016 | **МФО:** 00014 |
| **СТИР:**200237592 | **СТИР:** 203701060 |
| **XXTUT:**__________ | **XXTUT:** 92120 |
| Марказий банк ХККМ | Тошкент шахар Марказий банк ХККМ |
| **Андижон вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи** | **Мархамат туман 2-сонли касб-хунар мактаби директори** |
| ________ **М.Б.Уринбоев** | ________ **У.Кимсанбоев** |
| 2022 йил "25" 01 | 2022 йил "25" 01 |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI ANDIJON VILOYATI QO'RIQLASH BOSHQARMASI
YURIDIK HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
2022 yil «25» 01 da
№229 RAQAMI BILAN
QAYD ETILDI ________ IMZO

Сканировано с CamScanner

Мархамат туман 2-сонли касб хунар мактаби ва Қўриқлаш бошқармаси
ўртасидаги 2022 йил "25" Январь кундаги
№22? -сонли шартномага ИЛОВА №1

| № | 2022 йил ойлар номи | Қўриқлаш хизмати | | | | | | | | Шундан | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Қўриқлаш-ёнгиндан огох қилиш воситаларига техник хизмат кўрсатиш | | | ТПКга уланган калит- 6 соат | | | | Қўриқлаш хизматининг жами суммаси | | |
| | | бир ойлик тўлов | Сони | Жами бир ойлик суммаси | Бир ойлик қўриқлаш вақти | Қўриқлаш бир соатлик нархи | Калит сони | Жами бир ойлик суммаси | | Бюджет хисобидан | Бюджетдан ташкари хисоб варақдан |
| 1 | Январ | 29547 | 3 | 88641 | 125 | 3754 | 3 | 1407750 | 1496391 | 1496391 | |
| 2 | Феврал | 29547 | 3 | 88641 | 125 | 3754 | 3 | 1407750 | 1496391 | 1496391 | |
| 3 | Март | 29547 | 3 | 88641 | 125 | 3754 | 3 | 1407750 | 1496391 | 1496391 | |
| 4 | Апрел | | | | | | | | | | |
| 5 | Май | | | | | | | | | | |
| 6 | Июн | | | | | | | | | | |
| 7 | Июл | | | | | | | | | | |
| 8 | Август | | | | | | | | | | |
| 9 | Сентябр | | | | | | | | | | |
| 10 | Октябр | | | | | | | | | | |
| 11 | Ноябр | | | | | | | | | | |
| 12 | Декабр | | | | | | | | | | |
| **Жами:** | | **88641** | **9** | **265923** | **375** | **11262** | **9** | 4223250 | 4489173 | 4489173 | |

Изох: Бюджет ташкилоти томонидан шартномада келишилган жами 4.489.173 (Тўрт миллион тўрт юз саксон тўққиз минг бир юз етмиш уч)сўм микдоридан ортиб кетган тақдирда хамда Буюртмачининг мажбуриятлари буйича тўлов жарималари юзага келса бюджетдан ташқари хисоб варақдан қопланади.
Бюджет хисоб рақами ва бюджетдан ташқари хисоб варақларидан амалга оширилаётган тўловлар учун хар бирига алохида хисоб фактуралар тақдим қилинади.
Ушбу илова асл шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

**Томонларнинг юридик манзиллари:**

**Қўриқлаш:**

**Номи:** Андижон вилояти
Қўриқлаш бошқармаси
**Манзили:** Андижон шахри, Миллий тикланиш кучаси 26-А уй
**Банк номи:** Марказий банк МХККМ
**хисоб раками:** 21596000900278042001

**МФО:** 00016 **ИНН:** 200237592
**ОКОНХ:** 87400

**Бошлик** **М.Б.Уринбоев**

**Буюртмачи:**

Манзил: Мархамат шахар Мустақиллик кўчаси
Тел./факс :
ш/х 100010860032277092901079002
СТИР:203701060 ОКОНХ:
Молия вазирлиги ягона ғазна хисоб варақаси:
Ғазна ҳ/в :23402000300100001010
Банкнинг номи: Тошкент шахар Марказий банк
Тошкент шахар ХККМ
МФО:00014. СТИРи:201122919

Раҳбар: **У.Кимсанбоев**

Сканировано с CamScanner